

**«AVANTAJ-AUDIT» маъсулияти чекланган жамияти
аудиторлик ташкилоти**

**«XOVOS TEMIRY'OL SHIFOXONASI» маъсулияти
чекланган жамиятининг 2025 йил бўйича бухгалтерия
хисоби ва хисоботлари ҳолати юзасидан ўтказилган
аудиторлик текшируви бўйича
АУДИТОР ХИСОБОТИ**

**Буюртмачи: «XOVOS TEMIRY'OL SHIFOXONASI» МЧЖ
Манзили: Сирдарё вилояти, Ховос тумани,
Тинчлик маҳалласи, Бухорий кўчаси 30-уй.
Х/рақами: 2021 0000 9002 0114 3001,
АТБ "Агро банк" Янгиер филиали, МФО 00378,
СТИР:200 328 503, ИФУТ 86100.**

Ховос шахри

23 апрел 2026 йил

I. КИРИШ ҚИСМИ

Аудиторлик ташкилоти: «AVANTAJ-AUDIT» МЧЖ.

Манзил: Сирдарё вилоят, Мирзаобод тумани, Тинчлик МФЙ, Зиё кўчаси 21 уй,
тел.: +99890 610 45 75.

Х/Р №20208000604860788001 Тошкент шаҳар, "ЎзСаноатқурилиш банки" АТБ бош офиси,
МФО 00440, СТИР 207091226, ИФУТ 69202.

Лицензия: Уз.Р. Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 05 апрел куни берилган № 00765 рақамли аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ва «IMKON-SUG'URTA» акциядорлик жамияти томонидан 07.01.2024 йилда Аудиторлик ташкилотларининг профессионал жавобгарлиги юзасида берилган Суғурта полиси.

Давлат рўйхатидан ўтганлиги: Уз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 26 июл куни берилган № 393 рақамли гувоҳнома.

«AVANTAJ-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти бош директори Э.М.Шайзаков.

Аудиторлик текшируви Уз.Р Молия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 декабрда берилган 04771-рақамли аудитор малака сертификатига эга аудитор Шайзаков Э.М. томонидан ўтказилди.

Аудиторлик текшируви маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «AVANTAJ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти ва «XOVOS TEMIRY'OL SHIFOXONASI» маъсулияти чекланган жамияти (кейинги матнда – жамият) ўртасида 06 апрел 2026 йил куни тузилган №4317955-рақамли электрон тизим орқали тузилган шартномага асосан ўтказилди. Мазкур шартномага асосан «XOVOS TEMIRY'OL SHIFOXONASI» маъсулияти чекланган жамиятининг 2025 йил даври бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари ҳолати юзасидан аудиторлик текшируви ўтказилди. RADJABOV SHAMSIDDIN EGAMBERDIYEVICH

Текшириш ўз ичига олган даврда ташкилот бошлиғи лавозимида 20.05.2025 йилгача Тожиддинов Пиримкул, 21.05.2025 йилдан Раджабов Шамсиддин Эгамбердиевич – ҳозирги кунда ҳам ишлаб келмоқда.

Бош ҳисобчи лавозимида 20.05.2025 йилгача Шодмонқулов Рустам ва 21.05.2025 йилдан Сарибоев Беруний Сулаймонович –ҳозирги кунда ҳам ишлаб келмоқда.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботлар, солиқ ҳисоботлари ва текширувга тақдим қилинган бошқа ҳужжатлар асосида ўтказилди.

Текшириш Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандарт (БХМС)лари асосида ўтказилди. Мазкур ҳисобот махфий характерга эга бўлиб, чоп этиладиган ва назорат органларига тақдим қилинадиган ҳужжатлар сирасига кирмайди, балки аудиторлик текшируви натижаси бўйича аниқланган хато ва камчиликлар бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига тақдим қилинадиган ҳисобот бўлиб, фақат ички фойдаланиш учун мўлжалланган.

Аудиторлик ташкилоти корхонанинг молиявий ҳисоботининг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги ўз фикрини аудиторлик ҳулосаси орқали билдиради, бу ҳужжат корхонанинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши, тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ташкилот маъсул шахслари жавобгардирлар, аудиторлик ташкилотининг вазифаси аудиторлик текшируви якуни билан молиявий ҳисобот ҳолатига баҳо бериш ҳисобланади. Текширишга тақдим қилинган ҳужжатлар кўламнинг кенглиги, аудиторлик таҳлилларнинг ихтиёрий танланма тусга эга эканлиги ва аудиторлик текширувига хос бўлган бошқа чегараланишлар оқибатида, молиявий ҳисоботдаги хатолар ва бузилишларни топмаслик таваккалчилиги мавжуд. Аудиторлик текшируви мазкур таваккалчиликни мумкин қадар камайтиришга қаратилди, лекин ҳулосаларнинг абсолют аниқлигини кафолатлаш мажбуриятини олмайди.

Текшириш учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларнинг аниқлиги аудитор томонидан танланма усулда таҳлил қилиниши сабабли аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий

хисоботларининг тўғри тузилганлиги учун аудиторлик тавакалчилиги чегарасида маъсулиятни олади.

Биз Аудитнинг Халқаро Стандартлари (АХС) асосида аудит текширувини ўтказдик. Биз этика талабларига асосан холисизм ва молиявий хисоботларни текширишда мазкур талабларга риоя қилган ҳолда ўз вазифамизни адо этамиз. Бизнинг томонимиздан ўтказилган тадбирлар, олинган аудиторлик далиллари ўз фикримизни билдириш учун етарли ва ҳаққоний ҳулоса чиқариш мумкин бўлади деб хисоблаймиз.

Ўз ҳулосамизни бериш учун асосан қуйидаги Аудитнинг Халқаро Стандартларидан фойдаландик:

АХС 200 Аудитнинг Халқаро Стандартлари асосида аудит ўтказишда холис аудиторни умумий мақсадлари;

АХС 210 Аудит ўтказиш шартларини келишиш;

АХС 220 Молиявий хисоботлар аудитининг сифат назорати;

АХС 230 Аудиторлик ишчи ҳужжатлари;

АХС 240 Молиявий хисобот аудитида сохтакорлик билан боғлиқ бўлган аудиторлик мажбуриятлари;

АХС 250 Молиявий хисобот аудитида қонун ва қоидаларга амал қилиниши;

АХС 300 Молиявий хисобот аудитини режалаштириш;

АХС 320 Аудитни ўтказишни режалаштиришда хатарлар ва ахамиятлилик даражаси;

АХС 500 Аудиторлик далиллари;

АХС 501 Ҳар бир конкрет элементлар бўйича тавсиялар;

АХС 505 Йил охири ҳолатига молиявий ҳолатни аниқ тавсифларини ташқаридан тасдиқлаш;

АХС 580 Ёзма равишда хисобот тақдим қилиш;

АХС 600 Молиявий хисобот аудитини группалашнинг алоҳида хусусиятлари;

АХС 710 Қиёсий Молиявий хисобот ва қиёсий маълумотларни таққослаш;

АХС 800 Махсус йўналиш доирасида тайёрланган Молиявий хисобот аудитининг ўзига хос тушунчалари.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи

«XOVOS TEMIRY'OL SHIFOXONASI» маъсулияти чекланган жамияти Сирдарё вилояти Ховос тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 1992 йил 20 январдаги 010 - сонли реестр рақами билан Юридик шахс (тадбиркорлик субъекти) сифатида рўйхатга олинган. Олинган гувоҳнома ва солиқ инспекциясидан ҳамда статистика органларидан олинган тегишли ҳужжатларига кўра:

ИФУТ – 86100, МШ бўйича мулкчилик шакли – 142, ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли – 200, МХОБТ – 1724235, КТУТ – 15077936, ИНН 200328503.

Корхона Низоми бўйича унинг асосий фаолияти Шифохона муассасалари хисобланади. Шунингдек корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олинди керак бўлган барча фаолият турларини шундай лицензия олинганидан сўнг амалга оширади ҳамда Ўзбекистон Республикасида тақиқланмаган барча турдаги фаолият билан белгиланган тартибда шуғуланишдан иборат.

«XOVOS TEMIRY'OL SHIFOXONASI» маъсулияти чекланган жамиятининг Сирдарё вилояти Ховос тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 10.07.2023 йилдаги қайта рўйхатга олинган Низомининг 4.1-моддасига асосан корхона устав фонди 3073173,8 минг сўм белгиланган. 2025 йил якуни бўйича тузилган баланс хисоботида 8300-счёт Устав капитали ҳам 3073173,8 минг сўм кўрсатилган. Устав фондидаги улуш ягона таъсисчи “Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик жамиятига 100-фоиз тегишли.

Корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг юритилиши

Ўзбекистон Республикаси 1-сонли Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартлари (БХМС) га кўра, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар, ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлари ва қабул қилишлари лозимлиги белгиланган. Ушбу стандартнинг 55 бандига кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш ва бошқалар) билан расмийлаштирилиши кераклиги, ҳисоб сиёсатини шакллантириш чоғида субъект танлаб олган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари, тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжати чиқарилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилиши, айти пайтда бу усуллар хўжалик юритувчи субъектнинг барча таркибий бўлинмаларида (жумладан, алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларида) уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар қўлланилиши ва субъект танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин бўлган сиёсат ҳисобланиши, ҳисоб сиёсати тақвимий йил давомида ўзгармаслиги белгилаб қўйилган.

Ушбу савол юзасидан текширилганда корхонада ҳисоб сиёсати қабул қилинган, лекин Солиқ кодексининг 77-моддасида назарда тутилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши лозим. 1-сонли БХМС га кўра корхонада ҳисоб-китоб ишларини ташкил қилиш, юритиш, ҳисоб сиёсатини қабул қилиш ва унга амал қилинишини назорат қилиш бош ҳисобчи зиммасига юклатилган.

Бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари даврлар бўйича тахлаб тикилган.

Бухгалтерия ҳисоби қўлда оддий "ЭКСЕЛ" вариантыда юритилган. Бухгалтерия ҳисоби юритилишини ("1С Бухгалтерия программасидан ёки шунга ўхшаш) дастурлардан фойдаланилган ҳолда юритиш тавсия этилди.

Материал ҳисоботлар ойма-ой тузилмаган, белгиланган тартибда тасдиқланиб, имзолар қўйилиши лозим. Корхонада моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилганлиги аниқланди.

Ўз.Р "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига асосан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби 19-сон "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" стандартида белгилаб куйилган. Лекин корхонада текширилаётган йиллар давомида мол-мулкни инвентарлаш амалга оширилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 29.01.1998 йилда рўйхатга олинган 402-сонли **Меҳнат дафтарчаларини юритиш** тартиби тўғрисидаги йуриқнома асосида корхона кадрлар бўлими иш фаолияти кўриб чиқилганда йуриқнома талаблари асосида ишлар ташкил қилинганлиги аниқланди.

Асосий восталар ҳисобининг аудити

Асосий восталарнинг аудити ЎзР нинг 1996 йил 30 августдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Қонуни, ЎзР. Солиқ Кодекси, 5-сонли БХМС "Асосий восталар" асосида ўтказилди.

Асосий восталарга эскириш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида белгиланган меъёрлар бўйича тўғри чизиқли усул асосида ҳисобланган.

Асосий восталарнинг 01.01.2026 йил ҳолатига бошланғич қиймати балансда 3073173,8 минг сўм кўрсатилган:

Кўрсаткичлар	Корхона бўйича	Аудит бўйича	Фарқи
Баланс қиймати	3073173,8	3073173,8	0
Эскириш суммаси	2747696	2747696	0
Қолдиқ қиймати	325477,8	325477,8	0

Текшириш даврида асосий восталар гуруҳига кирим ва чиқимлар амалга оширилмаган.

Йил давомидаги мавжуд асосий воситаларга нисбатан ҳисобланган эскириш суммаси 247048,3 минг сўмни ташкил этган.

Корхонада асосий фондларни (воситаларни) бугунги кунда корхонанинг молиявий ахволи зарарли бўлганлиги боис сотиш мақсадида Давлат активларига белгиланган тартибда баённома асосида сотиш учун берилганлиги маълум бўлди.

Товар моддий бойликлар ҳисоб-китобининг аудити

Корхонанинг товар моддий бойликлар хусусан, ишлаб чиқариш захиралар 1000-ҳисобда, тугалланмаган ишлаб чиқариш 2000, 2100, 2300, 2700 счетларни, товарлар 2900-счетада юритилган.

Корхона ҳисоботларида Товар моддий бойликларнинг йил бошига 125908,0 минг сўм ва йил якунида қолдиқ 144358,0 минг сўм қолдиқ кўрсатилган. Булар асосан корхона фаолияти учун ишлатилаётган инвентар ва жихозлар ҳисобланади, жорий йилда 18450,0 минг сўмлик инвентар (простиналар) қирим қилинган.

Пул маблағлари ҳисоб-китобининг аудити

Банкдаги ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг ҳаракати

Корхонанинг банкдаги пул маблағлари юзасидан амалга оширган пул муомалаларини ҳаракати кўриб чиқилди ва қуйидаги кўринишга эгаллиги маълум бўлди.

Йил бошига қолдиқ 354,0 минг сўм, йил якунида қолдиқ 7594,0 минг сўмни ташкил этган. Бунда ҳисоб рақамларига асосан Медицина хизматлари кўрсатишдан 2096050568 сўм тушум ва "TEMIR YO'L IJTIMOIU XIZMATLAR" Davlat muassasi томонидан 11526615775,36 сўм хомийлик пул маблағлари жами 13622666343,36 сўм пул маблағлари келиб тушган.

Ушбу маблағлар корхона харажатлари ва белгиланган мақсадларга ишлатилган, банкдаги пул маблағлари ўтказмалари танлов йўли билан кўриқдан ўтказилганда банк муомалаларидан кўчирмаларнинг узлуксизлиги таъминланганлиги, ушбу кўчирмаларда кўрсатилган ўтказмаларга иловалар тўлиқ тикилганлиги маълум булди. Ҳисобот йилида ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар ва уларнинг чиқими танлов асосида текширилганда шубхали ўтказмалар аниқланмади.

Ҳисобланган иш ҳақи аудити

Корхонада 2025 йил давомида ишчи ходимларга тегишли буйруқлар ва ҳужжатлар асосида иш ҳақлари ҳисоблаб борилган ва йил давомида жами 9445780,6 минг сўм меҳнат ҳақи ҳисобланган:

Ҳисобланган иш ҳақлари 6700 «Иш ҳақи ҳисоби» бухгалтерия ҳисобида олиб борилган.

Корхона баланс ҳисоботида кўра иш ҳақи бўйича йил бошига 1000640,0 минг сўм ва йил охирига 802316,0 минг сўм (01.01.2026 йил ҳолатига) кредитор қарздорлик мавжуд.

Иш ҳақларини ўз вақтида бериш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Даромадлар аудити

Корхонада асосан Медицина хизматлари кўрсатиш фаолияти билан шуғулланган ва тақдим этилган ҳужжатлар бўйича 2025 йил давомида жами (тушум) даромадлар 11560757,15 минг сўмни ташкил этган. Корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланганлиги учун ушбу умумий тушумдан ҚҚС ни чегириб ташланганда корхонанинг йил якуни бўйича асосий фаолиятининг даромади 10322104,6 минг сўмни ташкил этган.

Харажатлар аудити

Корхонада текширишга тақдим этилган ҳужжатларга кўра 2025 йил давомида қилинган харажатлар қуйидагича:

т/р	Харажатлар тури	Суммаси (сўмда)
1	Хисобланган иш хаки ва ижтимо солиқ	10564787142
2	Асосий восита эскириши	247048276
3	Сув солиғи	6060075
4	Кўриқлаш хизмати	24290276,79
5	Нефт ЁММ	9228728
6	Ичимлик суви учун	14411700
7	Канализация чун	1038000
8	Статистика консалт хизмати	2678571,43
9	Биржа харажатлари	26857,39
10	СЭС хизматлари учун	13567994,68
11	Аудит хизмати	4250892,86
12	Программа хизмати	16386071,43
13	Суғурта харажатлари	5873142,86
14	Канц товар учун	14467071,43
15	Алока хизматлари	13158670,49
16	Санэпидстанция бошқа хизматлари	106939470
17	Метан заправка	1736696,43
18	Укитиш учун	2500000
19	Банк хизмати	4360190,96
20	Техосмотр	400000
21	РАИН СЕН ДА мчж хизмати	18151400
22	Ёнгинага қарши хизматлар	8035714,28
23	Янги йил совғаси	6532500
24	Малака ошириш	12556221
25	Чиқинди учун	5062500
26	Озиқ-овқат (гўшт, нон ва бошқалар)	315362058,2
27	Табий газ учун	59299553,57
28	Хаёт биржа харажатлари	20371,05
29	Касса аппарати тўлови	2225000
30	Таъмирлаш хизмати	51386250
31	Дори дармон учун	88442614,82
32	Электр энергияси ва коммун тулов	200965925,5
33	Баннер ва эхтиёт қисм учун	12683200
	Жами:	11833933136

Корхонада йил якуни билан тузилиб, Солиқ органига тақдим этган 2-шакл хисоботида харажатлар таркиби 11833933,1 минг сўм (асосан давр харажатлари) кўрсатилган, аудит текширувида фарқ аниқланмади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши аудити

Корхона текширилаётган 2025 йил давомида кичик бизнес турига кириб, умумбелгиланган солиқлар тўловчиси ҳисобланган.

Ижтимоий солиқ ҳисоб китоби аудити

Корхонанинг ДСИ га тақдим этилган 2025 йил ҳисоб китобларида жами иш хаки фонди 9445780,6 минг сўм, шундан Солиқ кодексининг 371-374 моддаларида кўзда тутилган даромадлари 9325054,6 минг сўмни, Солиқ кодексининг 403-моддаси 4-қисми, 2-хатбоши яъни Иш берувчининг ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигига бошқача шикаст етганлиги

билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромади 120726,1 минг сўмни ташкил этган. Корхона ҳисоби бўйича ижтимоий солиқ тўловига 1119006,6 минг сўм ҳисобланган, аудит бўйича фарқ аниқланмади.

Ягона ижтимоий солиқ ҳисоб китоби

Кўрсаткичлар	сатр	Корхона бўйича	Аудит бўйича	Фарқи
Мехнатга ҳақ тўлаш даромадлари (УзР СК нинг 371 моддаси бўйича.)	10	9325054,6	9325054,6	0
Ижтимоий солиққа тортилмайдиган тулов турлари	20	0	0,0	0
Солиққа тортиладиган база (сатр.010 – сатр.020)	30	9325054,6	9325054,6	0
Ижтимоий солиқ ставкаси %	40	12%	12%	
Ҳисобланган солиқ суммаси (сатр.030 х сатр.040)	50	1119006,6	1119006,6	0

Иш ҳақидан олинadиган даромад солиғи

Корхонада ходимларга мехнатга ҳақ тўлаш ва бошқа тўловлар Ўз.Р МК, штат жадвали, корхона раҳбари буйруқлари ва бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилган.

Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 364-401 моддалари билан тартибга солинади.

Корхона томонидан 2024 йил учун солиқ идораларига тақдим қилган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ҳисоб-китобларида иш ҳақи кўринишидаги даромадлар 9445780,6 минг сўм шундан солиқ солинмайдиган даромад СК 380-моддаси 3 банди болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга 52402,8 минг сўм, СК 380-моддаси 7 банди болалигидан ногиронлиги бўлган шахс, доимий парваришни талаб этадиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота ёки оналарга 46123,4 минг сўм, СК 378-моддаси 16 банди 2 хатбоши солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида таълим олиш (ўзининг, фарзандларининг, шунингдек йигирма олти ёшга тўлмаган эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўловга йўналтириладиган, солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари 89084,3 минг сўм, СК 378-моддаси 16 банди 4 хатбоши олинган ипотека кредитларига йўналтирилган даромадлар 98093,1 минг сўмни ташкил этиб, солиққа тортиладиган даромадлар 9160077,1 минг сўмни ташкил этган.

Аудит текширувида ЖШДОС ҳисоб-китоби бўйича фарқ аниқланмади.

Иш ҳақидан олинadиган даромад солиғи

Йил давомида ҳисобланган жами 9160077,1 минг сўмга нисбатан белгиланган 12% ставкада 1099209,3 минг сўм, шундан шахсий жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига 9160,1 минг сўм ушланма амалга оширилган. Текширишда фарқ аниқланмади.

Қўшилган қиймат солиғи аудити, ер, мулк ва сув солиқлари электрон тарзда солиқ дастури орқали шакллантирилади.

Молиявий натижаларнинг аудити.

Корхонанинг ДСИ га тақдим этган № 2 шакл «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» да 2025 йил якунида товарлар сотиш ва бажарилган ишлардан тушган соф тушум 10322104,6 минг.сўм, кўрсатилган хизматлар таннари 10381604,0 минг сўм, давр харажатлари 1452330,0 минг.сўм, даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар олинган зарар 1511829,4 минг.сўм кўрсатилган. Корхона йил якуни бўйича зарари 1511829,4 минг сўмни ташкил этган. Аудит текширувида фарқ аниқланмади.

Курсаткичлар номи	№ сатр.	Корхона 2024		Корхона 2025	
		Даромад	Харажат	Даромад	Харажат
1	2	3	4	5	6
Махсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) реализациясидан соф тушум	10	5268007	X	10322104,6	X
Реализация килинган махсулотлар (товарлар, иш ва хизматлар) таннархи	20	X	5006481	X	10381604
Махсулот реализациясидан тушган ялпи даромад (зарар)	30	261526			1511829,4
Давр харажатлари жами: (сатр.050+060+070+080) шу жумладан:	40	X	511317	X	1452330
Сотиш харажатлари	50	X	0	X	0
Маъмурий харажатлар	60	X	511317	X	1452330
Бошка операцион харажатлар	70	X	0	X	0
Келгусида соликка тортиладиган базадан чиқариладиган харажатлари	80	X		X	
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	90	0	X	0	X
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр.030-040+090)	100		249791		1511829,4
Молиявий фаолиятнинг даромадлари (сатр. 120+130+140+150+160) шу жумладан:	110	0	X	0	X
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120	0	X	0	X
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130	0	X	0	X
Узок муддатли ижарадан даромадлар (лиз.)	140	0	X	0	X
Валюта курси фаркидан даромадлар	150	0	X	0	X
Молиявий даромаднинг бошка даромадлари	160	0	X	0	X
Молиявий фаолият буйича харажатлар (сатр. 180+190+200+210) шу жумладан:	170	X	0	X	0
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	X	0	X	0
Узок муддатли ижара (лизинг) б-ча фоизлар	190	X	0	X	0
Валюта курси фаркидан зарарлар	200	X	0	X	0
Молиявий фаолият буйича бошка харажатлар	210		0		0
Умумхужалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр. 100+110-170)	220		249791		1511829,4
Фавкулуддаги фойда ва зарарлар	230				
Даромад (фойда) солиги тулагунга кадар фойда (зарар) (сатр. 220+/-230)	240		249791		1511829,4
Даромад (фойда) солиги	250	X	0,0	X	0,0
Фойдадан бошка соликлар ва йигимлар	260	X	0,0	X	0,0
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр. 240-250-260)	270		249791,00		1511829,40

Корхона молиявий ахволининг таҳлилий натижалари

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик тўғрисидаги қонун ва меърий норматив ҳужжатларга ва тегишли Стандартлар талабларига кўра корхонанинг текширишга тақдим этилган 2025 йил 31-декабр ҳолатига тузилган оператив баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи таҳлил қилиб кўрилди ва ушбу кўрсаткичлар қуйидагича:

Мазмуни	амалда	норма	фарқи	Изоҳ
Тўлов қобилияти коэффиценти	0,21	1,25	-1,0	Тўлов қобилиятига эга эмас
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти	-3,74	0,2	-3,9	Ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган
Харажатларнинг самарадорлик коэффиценти	0	1	-1	Харажатлар самараси паст
Ўз маблағларининг қисқа муддатли қарзларга нисбати коэффиценти (жорий молиявий барқарорлик):	-0,6	1	-1,6	Корхонада молиявий риск ҳолати мавжуд
Активлар самарадорлиги коэффиценти	0	1	-1	Активлар самарадорлик коэффиценти паст
Асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти	0,89	0,5	0,4	Эскириш меёрдан паст

Ўтказилган таҳлилга кўра корхона молиявий ҳолати кўрсаткичлари салбий ҳолатда, бундай ҳолатни яхшилаб бориш чораларини кўриш, товар айланмани ва бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар ҳажмини кўпайтириб, харажатлар самарадорлигига эътибор бериш ҳамда мунтазам назорат қилиб бориш тавсия этилди.

III. Якуний қисми.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тавсия этилади:

1. Корхонада ўзининг фаолиятига мос равишда ҳисоб сиёсатини қайта қабул қилиш ва шу асосда ҳисоб-китоб юритиш;
2. Корхонада амалдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун талаблари асосида юритишда программалардан самарали фойдаланилган ҳолда юритишни йўлга қўйиш;
3. Корхонанинг молиявий ҳолати кўрсаткичлари ҳолатни яхшилаб бориш чораларини кўриш, товар айланмани ва бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар ҳажмини кўпайтириб, харажатлар самарадорлигига эътибор бериш ҳамда мунтазам назорат қилиб бориш тавсия этилди.

Хулоса

Ўтказилган текшириш (танлов) тестларига асосан хулоса қилиб айтиш мумкинки «XOVOS TEMIRY'OL SHIFOXONASI» маъсулияти чекланган жамиятининг 2025 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун талабларига жавоб беради.

Ҳисобот 2 нусхада тузилди ва бир нусхаси корхона раҳбариятига тақдим қилинди.

Аудитор:



Э.М.Шайзаков

Эслатма : ЎЗР «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонунга асосан ушбу ҳисобот қатъий сир тутилиши, бундаги маълумотлар томонларнинг ёзма розилигисиз учинчи шахсга ошкор этилиши ман қилинади.